

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА								
	Полное:				Акционерное общество «Octobank»				
	Сокращенное:				АО «Octobank»				
	Наименование биржевого тикера:*				OSVK				
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ								
	Местонахождение:				город Ташкент, Шайхантахурский район, улица Фурката 2				
	Почтовый адрес:				100021, город Ташкент, Шайхантахурский район, улица Фурката 2				
	Адрес электронной почты:*				info@octobank.uz				
	Официальный веб-сайт:*				octobank.uz				
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ								
	Номер существенного факта:				06				
	Наименование существенного факта:				Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг				
	Вид общего собрания:				внеочередное				
	Дата проведения собрания:				20.08.2024й.				
	Дата составления протокола общего собрания:				20.08.2024й.				
	Место проведения общего собрания:				город Ташкент, улица Фурката, 2.				
	Кворум общего собрания:				100.00				
	N	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования						
			за		против		воздержались		
			%	количество	%	количество	%	количество	
	1.	«Octobank» АЖнинг эгасининг номи ёзилган оддий акцияларининг ўн еттичи чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш	100	5					
	2.	Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.	100	5					
Полные формулировки решений, принятых общим собранием:									
1.	<p>1.1. «Octobank» АЖнинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, 125 000 000 (бир юз йигирма беш миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги, умумий суммаси 125 000 000 000 (бир юз йигирма беш миллиард) сўм бўлган қўшимча акцияларининг ўн еттинчи эмиссияси чиқарилсин.</p> <p>1.2. Чиқариш шартлари ва жойлаштириш усуллари қуйидагича тасдиқлансин: Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури ва шакли – оддий ва ҳужжатсиз акциялар Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати – 1 000 (бир минг) сўм. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони - 125 000 000 (бир юз йигирма беш миллион) дона. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми – 125 000 000 000 (бир юз йигирма беш миллиард) сўм.</p>								

	<p>Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари – банк акциядорларининг ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> – банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш; – депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш; – банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш; – банк тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш; – банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг нархлари тўғрисида маълумотлар олиш; – банкни бошқаришда иштирок этиш, шу жумладан Акциядорлар умумий йиғилишида ўзи ёки вакиллари орқали иштирок этиш ва овоз бериш, банкнинг сайланадиган лавозимларига сайлаш ва сайланиш; – банк уставига мувофиқ банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш, банк сири ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно; – олган дивидендини эркин тасарруф этиш; – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкдан унга тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилиш; – қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш юзасидан ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; – ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш; – ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш; – банк акцияларини сотиб олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга. <p>Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида Банкдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.</p> <p>Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва банк Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.</p> <p>Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан банк уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар - Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан банк уставига чекловлар мавжуд эмас.</p> <p>Амалдаги қонунчилик талабларига кўра банк акцияларини сотиб олишга доир куйидаги чекловлар мавжуд:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги: <ul style="list-style-type: none"> беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни; йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни; эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. - норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак. - имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охири бенефициар мулкдорнинг шахсини ошқор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар банкнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно). <p>Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар, ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли оддий акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг қолган қисми ёпиқ обуна йўли билан Tursunov Iskandar</p>
--	---

Baxtinurovich (ID карта AD 1397178, IV 26266 томонидан 28.05.2022 йилда берилган)га жойлаштирилади.

Илгари жойлаштирилган акциялар сони – Номинал киймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, 375 000 000 (уч юз етмиш беш миллион) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна) - Ушбу чиқарилишдаги акциялар банк акциядорларига мазкур чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг қолган қисми ёпиқ обуна йўли билан Tursunov Iskandar Baxtinurovich (ID карта AD 1397178, IV 26266 томонидан 28.05.2022 йилда берилган)га жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш муддати – ушбу акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – мазкур чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги кундан бошланади.

Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш ушбу кунлардан кейин келадиган биринчи иш кунини бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишдаги сўнгги акция жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби – Ушбу қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзларига тегишли шу турдаги акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг қолган қисми ёпиқ обуна йўли билан Tursunov Iskandar Baxtinurovich (ID карта AD 1397178, IV 26266 томонидан 28.05.2022 йилда берилган)га жойлаштирилади.

Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда, чиқарилаётган акциялар уюлмаган қимматли қоғозлар бозорини тўғридан-тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акциядорларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, қолган акциялар қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчисининг савдо майдончасида унинг қимматли қоғозлар билан савдо ўтказиш қоидаларига мувофиқ битимлар тузиш орқали Tursunov Iskandar Baxtinurovich (ID карта AD 1397178, IV 26266 томонидан 28.05.2022 йилда берилган)га жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш Банк томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби - Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар рўйхати акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.


Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ акциядорлар томонидан ўзларига тегишли бўлган оддий акциялар сонига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида оммавий ахборот воситаларида билдириш эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) календарь кунни ташкил этади. Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқни амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

	<p>Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.</p> <p>Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.</p> <p>Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.</p> <p>Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби - Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, шу жумладан имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар ўртасида жойлаштириш банк бошқаруви органи томонидан белгиланадиган бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган баҳода амалга оширилади.</p> <p>Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби - Акцияларни жойлаштиришда акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.</p> <p>Акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар юридик шахслар учун нақдсиз шаклида - пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади. Бунда акциялар учун пул маблағлари «Octobank» АЖ Амалиёт бошқармасининг куйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади: х/р 29801000100000980002, МФО 00980, СТИР 203644820, Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Фуркат кўчаси, 2 уй.</p> <p>Акциялар учун келиб тушган пул маблағлари «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»га (Адлия вазирлигида 2021 йил 26 ноябрдаги 3336-сон билан рўйхатга олинган) асосан 30318-«Чиқарилган устав капитали –Оддий» ҳисобварағида ҳар бир акциядор учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p> <p>«Тошкент» Республика фонди биржаси орқали амалга ошириладиган олди-сотди битимлари бўйича ҳисоб-китоб тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қоидаларига ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичида тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.</p> <p>Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби - Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Акциялар учун тўланган маблағлар инвесторнинг аризасида кўрсатилган банкдаги ҳисобварағига 10 (ўн) кун давомида қонунчиликда белгиланган тартибда қайтариб берилади.</p>
2.	2.1. «Octobank» АЖ акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқлансин (1-илова).

**Заместитель
Председателя Правления**


Жумаев Х.Х.

Главный бухгалтер


Асатова Н. А.

**И.о. Директора
Департамента Казначейства**


Шавкиев С.З.